ШАРТНОМА № 8

« 5 » январь 2022 йил.

Навбахор тумани

«QIZILQUM SAVDO GOLD » *МЧЖ* (бундан буён "Таъминотчи"деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи, жамият директори Олчилов.О.Х биринчи томондан хамда иккинчи томондан Навоий Олимпия захиралари колежи (бундан буён "Истеъмолчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи Б. Курбонов мазкур шартномани куйидагилар ҳакида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. Ушбу шартнома бўйича "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг буюртмасига асосан белгиланган маҳсулотларини етказиб беради. "Истеъмолчи" эса махсулотларини белгиланган тартибда кабул килиб олади.
1.2. "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" учун:

| Т\р | Озик-овкат маҳсулотларининг тури | Ўлчов бирлиги | Хажми (микдори) | Нархи | ҚҚС суммаси | Умумий суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| *1* | ***Тухум*** | ***дона*** | ***2 000*** | ***1 200*** | - | ***2 400 000*** |
| *2* | ***Асал*** | ***кг*** | ***200*** | ***45 000*** | | ***9 000 000*** |
| *3* | ***Кук чой*** | ***кг*** | ***20*** | ***33 000*** | | ***660 000*** |
| *4* | | | | | | |
| *5* | | | | | | |
| *Жами* | | | | | | ***12 060 000*** |

Сумма _***12 060 000 (Ун икки миллион олтмиш минг)***_ сўм

## II.ТАЪМИНОТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1.Шартноманинг 1.2.бандида кўрсатилган микдордаги ва сифатдаги маҳсулотларни "Истеъмолчи"га юк хати билан топшириш.

2.2.Агарда шартнома шартларига мувофик дебтопилса, маҳсулотларни тошиб бериш.

"Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

2.3.Озик-овкат маҳсулотларини 1 соат муддатда кўздан кечириш. Озик-овкатмаҳсулотларни мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аникланган такдирда,"Истеъмолчи"Озик-овкат маҳсулотларини кабул килмайди.

2.4.Озик-овкат маҳсулотларини кабул килганлиги тўғрисида хар хафта якуни билан 1 та ишонч қоғози билан расмийлаштириш мажбуриятларини олади.

2.5. Шартномада белгиланган тартибда Озиқ-овкат махсулотлари хакини тўлайди.

## III.ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартнома умумий суммаси: _***12 060 000 (Ун икки миллион олтмиш минг)***_ сўмни ташкил этиб, сўмда хак тўланади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича хисоб-китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30 %ини тўлаш ва маҳсулот кабул килинган пайтдан бошлаб 30 кун ичида колган кисмини тўлаш йўли билан амалга оширилади.

3.3. "Таъминотчи"нинг айби билан "Истеъмолчи"Озик-овкат маҳсулотларини кўздан кечириш имкониятига эгабўлмаса, Озик-овкат маҳсулотларини ҳакини тўлашни кечиктиришга хакли.

## IV.ОЗИҚ-ОВКАТ МАҲСУЛОТЛАРНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

4.1.Озик-овкат маҳсулотларининг тасодифан нобуд бўлиши озик-овкатмаҳсулотини топширилган пайтдан бошлаб"Истеъмолчи"га ўтади.

4.2.Озик-овкат маҳсулотларини топширишдан бошлаб келишилган муддатга кадар "Таъминотчи" сифатига кафолат беради.

4.3 "Истеъмолчи" маҳсулотларни кабул килиб олишда маҳсулот микдорининг камлиги, сифатсизлиги аникланган такдирда озик-овкатмаҳсулотларни кабул қилиб олмаслик хукукига эга.

## V.ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ.

5.1.Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Навоий вилоят Ғазначиликдан рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб конуний кучга киради ва амал килиш муддати 31 декабр 2022 йилгача этиб белгиланади.

## VI.ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1.Озиқ-овкат маҳсулотларини топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва 0.2%микдорда жарима тўлайди.

6.2.Тўловни кечиктирилганлиги учун "Истеъмолчи"хар кечиктирилган кунга тўловни кечиктирилган сумманинг 0,2 % микдорида, лекин шартнома умумий суммасининг 50%идан ошмаган микдорда тавон (пеня) тўлайди.

6.3. Бокимандани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.
6.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун хужжатларига мувофик белгиланади.

## VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ.

7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чикадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.
7.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони хал этиш имконияти бўлмаган такдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида тегишли суд органларига мурожаат этилади.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1. Томонларнинг хохиш-истагига мутлако боғлик бўлмаган холларда (Нокулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошкини ва бошка табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки кисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тўлаб берилмаган)лиги шартнома шартларини ижро этиш бўзилган деб хисобланмайди ва ушбу холатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

## IX.БОШҚА ШАРТЛАР.

9.1.Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига мувофик ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда иккинчи тарафнинг талаби билан факат хўжалик судининг карорига биноан бекор килининиши ва ўзгартирилиши мумкин. Шартномани бир тарафлама бекор килиш ёзма таклиф бериш йули билан амалга оширилади. Таклиф олингандан сўнг 30 кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган такдирда шартномани ўзгартириш ва бекор килиш хакидаги талабни судга такдим этиш мумкин.
9.2. Тарафлар ўзларининг юридик манзиллари ва бошка реквизитлари ўзгарганлиги хакида бир-бирларини 3 кунлик муддатда хабардор қилишлари шарт.
9.3. Шартномага хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдагина ҳакикийдир.
9.4. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга хисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.
9.5.Шартномага иловалар унинг ажралмас кисмини ташкил этади.

ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

| "Таъминотчи" | "Истеъмолчи" |
|---|---|
| "QIZILQUM SAVDO GOLD" МЧЖ | Навоий Олимпия захиралари колежи |
| Юридикманзили: Навбахор тумани | Манзил: Навоий ш., М.Таробий кучаси,17-худуд |
| "Тошработ"Махалла Фукаролар йиғини | Бюджет маблағ олувчи СТИРи 300520150 |
| Х\р 20208000505320147001 | ОКОНХ: ШХР 100010860124017082600245001 |
| Банк номи: Ипотека-банк ФТИБ Навоий вилоят филиали | Ғазначилик бўлинмаси номи<br>_________ Ғазначилиги |
| Банк коди: (МФО) 00205 | Ғазначилик х/в 23402000300100001010 |
| ИНН: 308028639 | Банкнингноми:Тошкент ш.Марказий банк МФО: 00014 |
| ОКОНХ: 71150 | |
| "QIZILQUM SAVDO GOLD" МЧЖ<br>Директори: Очилов.О.Х | Ғазначилик бўлинмаси СТИРи<br>Раҳбар: Б.Курбонов |
| М.Ў. | М.Ў. |

Юрист хулосаси ______ Н. Астанова